

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти томонидан мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб илк бора "Маънавият фестивали" ўтказилмоқда. Мазкур тадбирнинг навбатдаги манзили Тошкент вилояти бўлди.

Ўзига хос урф-одат, осори-атиқа, анъаналари билан машҳур вилоятда фестивал доирасида креатив лойиҳалар, китобхонлик акциялари, давра суҳбатлари, илмий-амалий

зилган тадбир Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да бошланди. Марказ фойеида миллий либослари ўзига ярашган қизлар меҳмонларни кутиб олиш-



Маънавият фестивали:

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ТАРАННУМИ

семинарлар ташкил этилди. Президентимизнинг жорий йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбир Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да бошланди.



Анжуман

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида "Ўқитувчининг касбий компетентлигини оширишда инновацион ёндашувлар: муаммо ва ечимлар" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари, олий таълим муассасалари, ҳудудий халқ таълими ходимлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Илмий-амалий анжуманда мутахассисларнинг таълими жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ривожлантириш, модернизациялаш жараёнлари, таълим истиқболлари, фанлар интеграциялашувининг долзарб масалалари юзасидан маърузалари тингланди.

Таъкидланганидек, узлуksиз таълим тизими маъмуни сифат жиҳатидан янгиланган, шунингдек, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш мақсадида республика илмий-амалий конференцияларининг тизимли ташкил этилиши ўқитувчининг касбий компетентлигини ва педагогик маҳоратини, шунингдек, узлуksиз таълим сифати ҳамда самарадорлигини таъминлайди.

Тадбирда сўз олганлар, бундай конференциялар изчил давом этишини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз

Анжуман

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида "Ўқитувчининг касбий компетентлигини оширишда инновацион ёндашувлар: муаммо ва ечимлар" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари, олий таълим муассасалари, ҳудудий халқ таълими ходимлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Илмий-амалий анжуманда мутахассисларнинг таълими жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ривожлантириш, модернизациялаш жараёнлари, таълим истиқболлари, фанлар интеграциялашувининг долзарб масалалари юзасидан маърузалари тингланди.

Таъкидланганидек, узлуksиз таълим тизими маъмуни сифат жиҳатидан янгиланган, шунингдек, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш мақсадида республика илмий-амалий конференцияларининг тизимли ташкил этилиши ўқитувчининг касбий компетентлигини ва педагогик маҳоратини, шунингдек, узлуksиз таълим сифати ҳамда самарадорлигини таъминлайди.

Тадбирда сўз олганлар, бундай конференциялар изчил давом этишини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз

ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР УЧУН ТАНЛОВ МАЙДОНИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган икки йрик "Қишлоқ хўжалиги – UzAgroExpo – 2019" ва "Озиқ-овқат саноати – UzProExpo – 2019" халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

Халқаро кўргазма

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги "Ўзбекизоқовқатхолдинг" холдинг компанияси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда "International Expo Group" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро кўргазма доирасида турли семинар, давра суҳбатлари ва тақдиротлар ўтказилди.

Йилдан-йилга хорижий компания ва ишбилармонларнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ва заминимизда етиштирилаётган маҳсулотларга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Мамлакатда аграр соҳанинг ўсиши, йирик инвестиция лойиҳаларининг ўзлаштирилаётгани сабабли бу йилги кўргазмада 21 та давлатдан 150 дан ортиқ

фирма ва компаниялар иштирок этди. Қаторисига жойлашган павильонлардаги стендларда энг сўнгги русумдаги қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналари, илгор технологиялар ҳамда иссиқхона, захира омборлари, чорвачилик ва паррандачилик комплекслари учун қурилиш материаллари тартиб билан жойлаштирилди. Айниқса, Ўзбекистон, Россия, Беларусь ва Хитой корхоналарида ишлаб чиқарилган янги қишлоқ хўжалиги техникалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– Бугунги фермерлар узокни кўзлаб режа тузишга, кўп йиллар хизмат қиладиган замонавий техникалар сотиб олишга ўрганилди, – дейди Бекобод туманидаги "Дал-

варзин таъмирлаш заводи" МЧЖ директори Абдуҳалил Васидов. – Корхонамизда асосан, трактор, культиватор, сеялка ва бошқа турли қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғамиз ва таъмирлаймиз. Буюртмачининг хоҳишига кўра, тракторга газ баллонлари ҳам ўрнатиб берамиз. Мазкур кўргазма республикамизнинг турли ҳудуд-



ларидаги ишбилармон ва фермерлар билан шартнома-лар имзоланган.

Ангрэн шаҳридан кўргазмада қатнашаётган "UNG

ENK MOBILE" МЧЖ шаклидаги ўзбек-корейс қўшма корхонаси кўчма газ қуйиш шаҳобчаларини намойиш этди. Бундай қурилма трактор ёки юк машинасини тўғридан-тўғри далада, ишлаётган жойига бориб, газ билан тўлдириб беради.

Кўргазма доирасида кўп-лаб самарали келишувларга эришилди, соҳа ривожига



хизмат қиладиган шартнома-лар имзоланди.

К. САЛОМОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат

КОНСТИТУЦИЯНИ АНГЛАГАН, УНГА ИШОНГАН ЖАМИЯТ БАХТЛИ ЯШАЙДИ

Айни кунларда бутун халқимиз мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлидаги муҳим ва шонли сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигини катта тантана қилишга ҳозирлик кўрмоқда.

Миллий давлатчилигимиз асоси, ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг мустаҳкам кафолати бўлган Бош Қомусимиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий-етин қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб

Сайлов – 2019



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Табиатни асраш учун елкадош бўлайлик!" ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Янгиланаётган Ўзбекистонни, янгиланаётган Тошкент вилоятини биргаликда ривожлантирамиз!" сарлавҳали мақолалар чоп этилмоқда.

2-саҳифага қаранг

Ёшлар овози:

«МЕН САЙЛОВДА ҚАТНАШАМАН!»

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларга ҳам санокли кунлар қолди. Мазкур муҳим сиёсий жараёнда аҳоли, айниқса, ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий онини ҳамда дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш мақсадида вилоятимизда кўплаб тарғибот ва ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Хусусан, Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да "Ёш сайловчи – 2019" форуми бўлиб ўтди. Унда Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши мутасаддилари, адлия бошқармаси масъул ходимлари, сиёсий партиялар вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Форум доирасида "Менин биринчи овозим" лойиҳаси ҳам ташкил этилди. Иштирокчилар Нурафшон шаҳридаги 172-сайлов участкасида бўлишди. Бу ерда жорий йилги сайловларда биринчи марта қатнашадиган ёшларга амалий тажриба сифатида овоз бериш жараёни тушунтирилди.

– Ёшларимизда сайловга бўлган қизиқиш анча юқори, – дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шоҳрух Иномхонов. – Бунининг бугунги тадбирдаги фаол иштирокидан ҳам яққол сезиш мумкин. Ёнг муҳими, улар сиёсий ҳуқуқини тўлиқ англаб етмоқда. Бу, албатта, сайловда ёшлар иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мазлумот ўрнида, бу йилги сайловларда вилоятимизда жами 1 миллион 830 минг нафардан зиёд сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг қарийб 45 минг нафари илк марта овоз беради.

Халқаро маъتبур маркази Тошкент вилояти бўлими

партияларнинг фуқаролар фаоллигини оширишдаги ўрни ва роли хусусида сўз юритилди. Самимий руҳда ўтган мулоқотда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрафлича жавоб олишди.

Форум доирасида "Менин биринчи овозим" лойиҳаси ҳам ташкил этилди. Иштирокчилар Нурафшон шаҳридаги 172-сайлов участкасида бўлишди. Бу ерда жорий йилги сайловларда биринчи марта қатнашадиган ёшларга амалий тажриба сифатида овоз бериш жараёни тушунтирилди.

– Ёшларимизда сайловга бўлган қизиқиш анча юқори, – дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шоҳрух Иномхонов. – Бунининг бугунги тадбирдаги фаол иштирокидан ҳам яққол сезиш мумкин. Ёнг муҳими, улар сиёсий ҳуқуқини тўлиқ англаб етмоқда. Бу, албатта, сайловда ёшлар иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мазлумот ўрнида, бу йилги сайловларда вилоятимизда жами 1 миллион 830 минг нафардан зиёд сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг қарийб 45 минг нафари илк марта овоз беради.

Халқаро маъتبур маркази Тошкент вилояти бўлими

БУ ДАЪВАТНИ ЁН КИШИГА ЕТКАЗИНГ ВА ЭРТАСИГА АЖИБ БИР ХУШҲАБАР ЭШИТИНГ!

"Мажбурий меҳнат" деб, ҳашардек олижаноб қадриятимизни йўқотдик!

Энди "мажбурий обуна" деб, ўқиш ва тафаккур қилиш саодатини бой бермайлик!

Азиз дўстлар!

Вилоятимизнинг бош газетаси

"Тошкент ҳақиқати"га

2020 йил учун обуна

бўлишининг айна мавриди!



Нашр индекси: 205



тон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегияси" ҳаётимизга изчиллик билан татбиқ этилаётгани бу йўлда катта тарихий қадамдир. Мазкур ҳужжат моҳият эътиборига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислохотларнинг "йўл харитаси"га айланди, десак асло хато бўлмайди.

Давоми 3-бетда

Янги Ўзбекистон — янги сайловлар!



Ўзбекистон Экологик партияси ёш бўлишига қарамай, кўп йиллик тажрибага эга бўлган бошқа рақиб партиялар билан сайловолди жараёнларида тенгма тенг курашга киришиб келмоқда. Олдимизда жуда катта, муҳим вазифа ва муаммолар турибди. Негаки, биз табиат ва унинг ресурсларидан етарлича фойдаландик. Эндиликда агар халқимиз Экологик партия байроғи остида бирлашмаса, экологик муаммолар ўз вақтида ечимини топмаса, кейинчалик қайта тиклаб бўлмас ҳолатлар юзага чиқади. Бунга мисол тариқасида Орол денгизи муаммосини келтириш мумкин. Унинг ҳозирги ҳолати инсонларнинг экологик муаммоларга жиддий қарамаслиги оқибатида юзага келган. Ваҳоланки, вазиятга жиддий қараб, ўз вақтида эътибор берилганида ҳозиргидай минтақавий муаммога айлانмаган бўлар эди.

ТАБИАТНИ АСРАШ УЧУН ЕЛКАДОШ БЎЛАЙЛИК!

Барчамизга маълумки, табиат инсоният изини дунёдан бутунлай йўқ қилиб юбора оладиган даражада қудратли. Лекин, вақт ораллигида инсоният цивилизациясини эслатадиган ягона предмет бу — пластик идишлар, ползетилан маҳсулотлар ва шиша бўлаклари бўлади.

Ўзбекистон Экологик партияси бунга ечим топди. Яъни, бир неча йиллар эмас балки 8 ойгина вақт ичида биологик чирувчи, ўғитга айланувчи полиэтилен пакетлар экологик муаммонинг ечими сифатида тақдим қилинди. Бу инновацион технология асосида яратилган маҳсулот ҳали Урта Осиё мамлакатларида ишлаб чиқарилмаган.

Сўнгги йилларда дунё халқлари атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, айниқса, энергетика саноатида тежамкор усуллари қўллаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки, табиий ресурслар микдори чекланган. Шу боис, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти табиатни асраб-авайлаш, унинг бойликларидан, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, экологик хавфсиз технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш зарурлиги ҳақида бонг урмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Экологик партиясининг Сайловолди дастурида атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, ҳайвонот ва ўсимлик оламини муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавосини ифлосланишининг олдини олиш, экологик хавфсиз электромобиллардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, инсоният атроф-муҳитга эътиёткорлик билан ёндошиши, табиий бойликлари асраб-авайлаши, унинг неъматларини келгуси авлодларга бекаму-кўст етказишга масъулдир.

Шу ўринда Орол фожиаси халқимизга қанчалар зарар келтираётганини бир оз эслатиб ўтсак. Орол — 50 йил аввал дунёнинг куруқликдаги энг йирик тўртинчи денгизи эди. Афсуски, денгизнинг қуриб бориши ва унинг оқибатлари бугунга келиб дунёнинг энг оғирлиқ экологик фожиаларидан бирига айланган. Бўшаб қолган денгиз ўрнидан кўтарилаётган заҳарли тузлар, кум ва чанг-тўзон инсонлар саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига жиддий хавф туғдирмоқда.

Ҳукуматимиз Орол бўйи фожиаси оқибатларини бартараф этиш, ҳудуд атрофида биохилма-хиллигини таъминлаш учун бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ҳозирда Орол денгизининг қуриган қисмида саксовулзорлар барпо этилмоқда. Шунингдек, Орол муаммосига йирик халқаро ташкилотлар эътиборини қаратган ҳолда, ҳудудга кўпроқ инвестиция жалб қилмоқда.

Кези келганда, Орол денгизи фожиалари ва уни бартараф этиш борасида қилинаётган ишлар қай даражада самара бераётгани юзасидан айрим маълумотларни айтиб ўтиш жоиз:

- * 50 йил аввал Орол денгизига ўрта ҳисобда 1082 куб. км. ҳажмда сув бор эди;
- * майдони 68 минг кв.км.га тенг эди;
- * ҳар йили Оролга 55-58 куб. км. сув (2\3 қисми Амударё ва бир қисми Сирдарёдан) қу-йиларди;
- * денгиздаги ҳолат мўтадил пайларда сув таркибидаги туз микдори бир литрда 11-12 гр.ни ташкил қиларди, яъни Орол ҳудудига ривожланишга энг мўтадил шароит бор эди.

Ҳўш, ҳозир аҳвол қандай? Оролнинг майдони 10, сув ҳажми эса 15 баробарга камайган, сув сатҳи 29 метрга тушиб кетган. Бу ўрта ҳисобда 10 қаватли уйнинг баландлигига тўғри келади.

Биз юқорида Орол сувидаги тузнинг таркиби ҳақида гапирдик. Ҳозирда денгизда туз микдори бир литрда 150 гр.дан 300 гр.га етди. Бу Орол сувининг 1\3 фоизини туз ташкил қилади, дегани.

Бу — ҳақиқий ўлик денгизнинг намунаси, ҳатто ундан ҳам юқоридир.

Ачинарлиси, фақатгина Орол денгизи шароитида яшаши мумкин бўлган 20 хилдан зиёд балиқ тури йўқолиб кетди. Таққослаш учун, ўтган асрнинг 60-йилларида денгиздан йилига 35 минг тоннагача балиқ овланган. Ҳозир бирорта ҳам балиқ қолгани йўқ.

Бугунги кунда Оролнинг қуриган тубидан йилига 100 млн. тоннадан зиёд кум, чанг-туз юзлаб, минглаб км. масофаларга учиб боради. Бундай кўчиб борган туз, кум зарралари эса Норвегия, Япония каби давлатлар, Помир, Олой, Тянь-Шань тоғ тизмалари ҳатто Арктикадан ҳам топилди.

Авваллари ёз ойларида Орол устидан ўтаётган гармсел шамоли денгиз суви ҳарорати таъсирида пасаярди ва бизга нисбатан илқ ҳаво сифатида, қишда эса, аксинча, Сибирдан эсаётган совуқ оқим денгизнинг илқ суви таъсирида мўтадиллашиб келарди. Ҳозирги вақтда Оролнинг ушбу терморегулятор функцияси умуман тескарисига ишляпти. Шунинг учун ҳам бизда иқлим йилдан-йилга кўтарилиб бораётти.

Энди партиямиз бу муаммонинг ечими юзасидан илгари сураётган ташаббусларга назар солсак. Оролни аввалги ҳолатига қайтариш учун Волга дарёси 5 йил, Дунай дарёси 7 йил тинимсиз оқиши керак. Эндиликда олдимизда турган биринчи масала — Орол бўйи ҳудудига экологик фожиаларни мардонавор енгиб, аҳоли саломатлигини барқарор сақлашдан иборат.

Саксовулларга келсак, тўғриси айтиш керак, биз бу борада кўп вақтни йўқотиб қўйдик. Авваллари кўп гапириларди, лекин кам иш қилинарди. Ўтган 20 йил ичида қуриган 5 миллион гектар ердан атиги 400 минг гектарига саксовул экилди. Ҳозирга келиб, бу масалага бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Масалан, ўтган 2018 йил декабрь ойидан жорий йил апрель ойигача 650 минг гектар ерга саксовул уруғлари сепилди, 1 миллион бир юз минг гектар ерда эгтарлар олиниб, саксовул экиш учун тайёр қилинди.

Саксовул шундай ўсимликки, агар уни етти қатор қилиб эксангиз, у 5-7 йилда 90 фоиз кумни ушлаб қола оладиган даражада катта бўлади ва ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. Унинг иккинчи хусусияти — саксовул ўсган ҳудудда экотизим мўтадиллашади. Учинчидан, ўша ҳудудларда биохилма-хиллик кўпайишига имконият яратилади.

Бу каби саксовулзорлаштиришнинг Австралия, Қозоғистондан ташқари дунёда умуман аналогий йўқ. Қувонарлики, ҳозирги вақтда Оролнинг қуриган тубидан нисбатан чучук сув ҳам чиқаяпти. Бу кам, лекин биз ўша жойларга йирик ва майда шохли ҳайвонларга озуқа бўладиган экинларни етиштириш устида ишляпмиз.

Партиямизнинг халқимизга мурожаати шуки, табиат хатоларни кечирмайди. Келинг, хатоларнинг олдини олишда ва уларни ҳал қилишда елкадош бўлиб курашайлик. Бунинг учун 22 декабрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда партиямизга овоз беринг!

Фурқат АХМЕДЖАНОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси



О'zLiDeP — ислохотларнинг тақдири, Ҳара-катлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этилиши ва электорат манфаатларини самарали ҳимоялаш учун масъулиятни ўз зиммасига олган сиёсий кучдир.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида партия вилоят аҳолисини, айниқса, ёшлар бандлигини тўлиқ таъминлаш ва уларга муносиб ҳақ тўлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишсизлик даражасини қисқартиришга эришишни ўз олдига устувор вазифа этиб қўйган.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИ, ЯНГИЛАНАЁТГАН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ БИРГАЛИКДА РИВОЖЛАНТИРАМИЗ!

Бунинг учун партиямиз иш ўринлари захирасини яратиш, аҳоли, жумладан, хотин-қизлар, ногиронлиги бор шахслар, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож бошқа тоифалари, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришда янги усуллардан фойдаланиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, реал иш ҳақининг барқарор ўсишига қўмаклашувчи солиқ сиёсатини амалга ошириш, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқа хўжалигини қўллаб-қувватлаш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда фука-



ридан келиб чиқиб, касбга йўналтириш борасидаги масалаларни самарали ҳал қилиш тарафдоримиз. Биз ёшлар ўз бизнесини йўлга қўйиши учун янада қулайроқ шароит ва ёшлар тадбиркорлиги кластерини яратишга йўналтирилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз ёш олимлар ва талабаларнинг замонавий, илгор услубий технологияларни эгаллаши ҳамда ёшларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, илмий ва техник ғояларнинг саноат нусхаларини рўйбга чиқариш, шунингдек, ёшларни юқори технологияли замонавий ишлаб чиқаришларга жалб қилишни устувор масалалар, деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимиз олий таълим муассасалари ҳузурида ёшлар инновация марказларини ташкил этишга доир чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз. Биз ёшлар шаҳарчаси, ёшлар ҳукумати ва ёшлар парламенти-ни ривожлантириш тарафдоримиз.

Партиямиз ёшлар онгига либерал-демократияга оид қадриятларни сингдирадиган инсоний тарбия тизимини яратиш тарафдоридир. Ишонамизки, келажак айнан ана шундай ёшлар қўлида бўлади. Биз ёшларга ва вилоятимизнинг порлоқ истиқболига, давлатимизнинг буюк келажига ишонамиз.

Биз учун яна бир устувор масала — эркин жамиятда яшовчи эркин фуқаронинг маънавий жиҳатдан муттасил юксалиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишидан йироқ, ўз кучи ва салоҳиятига ишонадиган, аини пайтда жамоа билан тил топиша оладиган, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз фикри ва нуқтаи назарига эга ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш ҳисобланади.

Биз ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар фаолияти бўйича жамоатчилик назорати механизмларини мустаҳкамлашни жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан, деб ҳисоблаймиз.

Партия ички ишлар органлари тизимидаги туб ислохотларни, фаолияти жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган мазкур органнинг малакали хизматга айлантириш борасидаги тизимли чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди. Биз учун устувор вазифа — мазкур тизимнинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, аҳоли билан тизимли ва манзилли мулоқотни йўлга қўйишдан иборат. Биз Тошкент вилоятини хавфсиз, тинч ва барқарор ҳудудга айлантириш тарафдоримиз.

Партиямиз жамоатчилик диққат марказида турган муаммоларнинг ҳал этилиши йўлидаги ечимларни топишга фаол ҳаракат қилар экан, бунда аҳолининг кенг қатламлари, аввало, тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларидан, ҳар бир инсон фаровонлигини муттасил ошиб бориш мақсадларидан келиб чиқади. Ўз мақсадларимизга эришишнинг энг самарали йўллари-ни топиш ва амалга оширишда биз ғоя ва дастурларнинг конструктив, рақобатли курашига бўлади!

Партиямиз ўз кучига ишонади ва у бунёдкорлар партияси эканини амалий ишлари билан исботлашга қодир! Шу боис, 22 декабрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда партиямизга овоз беришингиз вилоятимизни юқори технологиялар асосида ривожланган йирик марказга айланишига сабаб бўлади!

Тўлқин ФАЙЗИЕВ,

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши раиси

Айнан Конституцияга янгича ракурслардан нигоҳ қаратиш ва уни янги, ҳам миллий, ҳам умумжаҳон Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мезонларига тўла мувофиқлаштириш орқали юртимизда иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий соҳаларда шиддатли ўсиш, ҳалқимиз дунёқарашида эса ижобий ўзгаришлар юз бердики, мазкур жараён нафақат ҳалқимиз, балки жаҳон афкор оммаси тарафидан ҳам самимий эътироф этилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Бош Қомусимизга тўла мос равишда ҳаётга изчил тадбиқ этилаётган ҳаётбахш ислохотлар натижасида давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ҳамда тадбиркорлар учун Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди.

Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди.

Ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари – парламент, халқ депутатлари кенгашларининг

конституциявий нормаларни амалда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилди.

Албатта, бу қондин ҳаётга тўлиқ таъбиқ этиш, биринчи навбатда, судларнинг чинакам мустақиллиги, уларнинг адолатли фаолияти юретиши билан чамбарчас боғлиқ.

Бинобарин, Конституциямизда мустақамланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш юртимиздаги ислохотларнинг амалий натижаси билан бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда энг асосий эътибор фуқароларимизга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратишга қаратилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар замирида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Шу аснода аҳоли учун мақбул бўлган усуллар – "ишонч телефонлари" ва тезкор алоқа ҳамда видеоконференцалоқа воситаларида муносабат қилиш тартиби жорий этилди.

Фуқароларимизнинг Конституцияда белгиланган давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига муносабат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда муносабатларни қабул қилиш тартиби жорий

Бироқ, мазкур хусусий корхона фойдаланувидидаги ушбу ер майдонини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги "Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида замонавий агрохотел кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асос қилиниб, туман ҳокимининг шу йил 12 апрелдаги қарори билан захирага қайтарилган.

Вилоят прокуратураси томонидан туман ҳокимининг мазкур қарорининг "RAMNA" хусусий корхонасига тегишли қисмини бекор қилиш бўйича протест келтирилиб, айти пайтда корхона раҳбари, тадбиркор Р. Юсупходжаевнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Умуман, юқорида тилга олинган муддатда қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 1608 та тақдирнома киритилди, 2153 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларида судларга 27,5 млрд. сўмлик 1479 та ариза киритилди, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жиноят иши кўзга тилиди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида эса вилоятда умумий жиноятчилик сони 20 фоизга (4228-3365) камайишига эришилди.

Вилоятнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлигини ўрганиш жараёнида прокурорлар секторидидаги 1454 та газ тақсимлаш қурилмаларининг таъмирланишига эришилди. Аҳолига электр энергиясини узлуксиз ва сифатли етказиб бериш виллоятнинг энг оғирлиқ масалаларидан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Айти пайтда ушбу муаммоли масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилган ишлар жараёнида эскирган ва қўлбола усулда ўрнатилган сим-чорларни алмаштириш, янги электр тармоқлари тортилиши, маънан эскирган трансформаторларни таъмирлаш ва янгилаш, шу орқали куз-қиш мавсумини беталафот ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада амалга оширилган ишлар жараёнида прокурорлар секторидидаги мавжуд 3453 та ярокисиз электр сим-чорларни алмаштирилди, 53 минг 641 метр электр симлари янгиланди ҳамда 750 та трансформатор пунктлари қайта таъмирланиб, куз-қиш мавсумига шай ҳолатга келтирилди.

иш бошлаган 1093 та тадбиркорлик субъектларининг 609 таси прокурорлар ташаббуси билан ташкил этилган бўлса, 1036 тасига амалий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 715 тасига 18 млрд. сўмлик кредит маблағлари, 65 тасига ер участкаси ажратилиши, 24 тасига лицензия берилиши, 423 тасига муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаштиришда амалий жиҳатдан қўмақлашилди. Бундан ташқари, кўрсатилган ёрдам натижасида 1055 та фаолиятини тўхтатган тадбиркордан 514 таси фаолиятини тиклаб олди.

Бундан ташқари, "Ёшлар келажигимиз" Давлат дастури доирасида ёшлар муаммоларининг 17 мингдан зиёди ҳал этилиб, жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан 146 та лойиҳа бўйича 45,8 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилишига ва шу асосида 973 та янги иш ўринлари яратилишига муваффақ бўлинди.

Дарвоқе, вилоят прокуратураси томонидан ёшларга кредит ажратилишида аниқланган муаммоларни ҳал этишда ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, АТ "Халқ банки" Келес филиали бошқарувчиси Б. Джараев ва мониторинг бўлими бошлиғи Д. Зубаровлар дастур доирасида тузилган ва Бош вазир томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга киритилган "Ботиржон файзли келажак" хусусий корхонаси раҳбари Б. Раимов, "Bonito Group" МЧЖ раҳбари С. Салиев, "Глобал цемент савдо" МЧЖ раҳбари М. Эргашев ва яққа тартибдаги тадбиркор А. Набиевнинг кредит ажратиш ҳақидаги муносабатларини қонунга ҳилоф равишда рад этгани аниқланди. Зудлик билан уларга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тилиди.

Умуман олганда, фуқароларнинг муносабатларини ҳал этиш ҳамда уларни қабул қилишга жиддий эътибор қаратилаётгани самарасида келиб тушган муносабатларнинг 32 минг 513 таси бевосита прокурор-тергов ходимлари томонидан ҳал этилди, 3915 таси қаноатлантирилди, 4177 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди.

Бу рақамлар фаолиятимизнинг маълум жиҳатларини бир эсланганда, таҳлил қилганда ҳосил бўлган рақамлар, кўрсаткичлар, ҳолос. Аслида, қонун устуворлигини таъминлаш, меъёрий ҳужжатлар талаблари ва мазмунини аҳоли ва бевосита ижрочиларга ўз вақтида етказиш орқали қонунбузилишларининг олдини олишга қаратилган ишларимиз кўламини, энг муҳими, улардан жамиятимиз кўраётган маънавий самаралар салмоғини шунчаки рақамлар билан ифодалаш мушкул.

Шуниси аниқки, мазкур ижобий ўзгаришларнинг бари, сўзимиздек бошида таъкидлаб ўтганимиздек, жамиятимиз тўла конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар асосида ривожланиб бораётгани ҳисобида рўй бермоқда. Одамларимиз кайфияти, шуурида ўзгача бир уйғоқлик, ислохотларга дахлдорлик, янгиланаётган Ўзбекистон оқимлаётган ишонч ва тараққиёт йўлида собитқадмлик яққол сезилмоқда.

Зотан, қонунлар устувор бўлган мамлакатдагина инсонлар – жамият бахтли яшай олади. Халқимизни мана шу неъматдан тўла баҳраманд қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Конституцияни тўла англаб етишига замин яратиш – биз ҳуқуқшуносларнинг олий вазифамиздир.

Салом САМАДОВ,
Тошкент вилояти прокурори

КОНСТИТУЦИЯНИ АНГЛАГАН, УНГА ИШОНГАН ЖАМИЯТ БАХТЛИ ЯШАЙДИ



мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарди.

Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари конституцион стереотиплари таъсири остида мустақамланмоқда.

Ўтган даврда ижро этувчи ҳокимиятни демократлаштириш ишлари ҳам изчил йўлга қўйилди. Ҳукуматнинг вазифа ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, парламент олдида ҳисоб бериш даражаси ҳамда масъулияти кучайтирилди. Бу Конституциянинг 7-моддасида мустақамланган "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган улуғвор гоёнинг амалий ифодаси бўлди.

Шу билан бирга, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби судда аниқ бўлмагунча, у айбдор ҳисобланмаслиги тўғрисидаги

этилгани ҳам ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқишига ва уларнинг қабулига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, 2019 йилнинг 9 ойи давомида вилоятда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш борасида 7064 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг 6191 нафарининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Протест келтириш йўли билан мансабдор шахсларнинг 1969 та қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатлари қонун талабларига мослаштирилди.

Бир мисол. Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимининг 2018 йил 20 апрелдаги қарори билан "RAMNA" хусусий корхонасига шу туманнинг "Балиқчи" массиви қишлоқ ҳўжалиги ҳаритасининг тегишли контурларидан жами 63,9 гектар ер майдонидаги балиқ ховузлири узок муддатли иҳара асосида ажрати берилган.

Прокуратура ходимлари ички ишлар органлари билан биргаликда кидирувда юрган шахсларнинг оила аъзолари ҳамда яқин қариндошлари билан учрашувлар ўтказилиши натижасида 221 нафар кидирувдаги шахс ушланди.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва шу йил 17 январдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан, худудларда комплекс ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишга муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг фуқаролар билан мулоқот қилиш, аҳоли учун долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш борасида олиб борилаётган ишлар натижадорлигини ошириш мақсадида секторлар ва мутасадди идоралар раҳбарларининг аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича фаолиятини янгича стратегия ва тизим асосида ташкил этиш тўғрисидаги топшириқ ва кўрсатмалари ижроси юзасидан вилоят прокуратураси органлари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар салмоғи ортиб бормоқда.

Вилоят прокурори сектори ҳудудида жами 255 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, уларда 156 минг 631 хонадонда 744 минг 509 нафар аҳоли истиқомат қилади. Секторлардаги ишчи гуруҳлар томонидан жорий йилнинг 10 ойи давомида мазкур хонадонларнинг оилавий шароити уйма-уй юриш орқали ўрганилиб, 5 минг 700 га яқин муаммолар мавжудлиги аниқланган. Аниқланган муаммоларнинг 4668 таси ёки 82,5 фоизи ҳал этилиб, 991 тасини ҳал этиш бўйича тегишли идораларга тақдим этилган. Аниқланган муаммолли масалалардан 3964 таси қаноатлантирилган, 704 тасига ҳуқуқий маслаҳат, тавсия ва тушунтиришлар берилган.

Ички йўллари таъмирлаш борасида секторларда ўтказилган учрашувларда кўплаб муносабатлар келиб тушиши ҳам бор гап. Бу борада амалга оширилган тадбирлар жараёнида бир қатор худудларда маҳалла кўчаларининг 735,2 метр квадратига шағал ётқириш ва асфальтлаштириш ишлари бажарилгани аҳоли учун зарур қулайликлар яратди.

Шунингдек, вилоятнинг 2-сектори ҳудудида 6764 нафар ногиронлиқ қўриқдан ўтказилиб, 3688 нафарига зарур муолага кўрсатилган бўлса, 1051 нафарига даволаш ва профилактика масканларига бепул йўлланмалар берилди, 112 нафари қўлтиқтаёқ, 67 нафари эшитиш мосламаси ҳамда 205 нафари ногиронлик аравачалари билан таъминланди.

Сектордаги 1264 та кам таъминланган оилаларни рўйхатдан чиқариш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқирилиб, шу йил 1 ноябрь ҳолатига 1030 та оила кам таъминланганлик ҳисобидан чиқарилиб, Аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, ёшларни ишга жойлаштиришда секторлар ҳудудида 130 маротаба меҳнат ярмакчалари ўтказилиб, 3756 нафар киши ишга жойлаштирилди. Шундан 2554 нафарининг бандлиги бевосита иккинчи сектор раҳбарларининг ташаббуси билан боғлиқ.

2019 йилнинг 10 ойида вилоят 2-секторидида ўтказилган 1019 та сайёр қабуллар даврида жами 3874 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинган.

Ўтган даврда иккинчи секторлар ҳудудида янгидан

Унда жумладан шундай дейилади:

Ҳурматли ёшлар! Сизлар келажакда буюк фаровон юрт ворисларисиз. Уни келажакда соғлом авлодларга мерос қолдириш инсоний бурчингиздир! Ватанимиз келажак, равнақи Сизларнинг қўлингизда. Сизнинг ақлдан баркамол, жисмонан соғлом, ахлоқан пок инсон сифатида вояга етишингиз миллатимиз бойлиги, мамлакатимиз барқарорлигининг гаровидир. Биз Сизга ишонимиз ва суянамиз.

Азиз ёшлар! Саломатлигингиз учун ўзингиз масъул эканлигингизни унутманг!

Ҳаётингизга ғиёвхандлик ва фоҳишабозлик каби иллатларнинг кириб келишига йўл қўйманг! ОИВ инфекциясининг юқиш йўллари билинг! Ундан сақланиш чораларига умрбод риоя этиб ашанг! Умрингиз ҳар бир дақиқасини азиз билинг! Уни билим олишга, келажакда маълум бир касб ёки ҳунар эгаллаб, жамиятда ва оилада ўз ўринингизни топишга сарфланг! Мамлакатимизда бу борада Сизларга жуда ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Улардан унумли фойдаланинг!

Тошкент вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази

1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш куни

БИРГАЛИКДА БАРҲАМ БЕРАМИЗ

ОИВ инфекцияси башарият олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳозирда бу касаллик рўйхатга олинмаган биронта минтақа, мамлакат қолмади ҳисоб. Ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича 1987 йилда "Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг ОИТСга қарши кураш масалалари бўйича глобал стратегияси" қабул қилинди. 1988 йилдан бери 1 декабрь дунё бўйича ОИТСга қарши кураш куни сифатида нишонланади.

ЮНЕЙДСнинг берган маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига дунё бўйича 37,9 млн. ОИВ инфекцияси билан яшаётган шахслар ҳисобга олинган. 2018 йилда ОИВ инфекцияси билан боғлиқ сабабларга кўра 770 минг инсон ҳаётдан кўз юмган. Виллоятимиз ҳам бу касалликдан ҳоли эмас, худуд бўйича 10 мингдан ортиқ шахслар ОИВ инфекциясини юқтириб олган.

Вилоят ҳокимлиги бу касалликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида халқаро ҳамда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жорий йил ноябрь ойида вилоятимизнинг барча шаҳар, туманлари аҳолиси, айнққса, мактаб ва коллеж, олий ўқув юртлари талаба ва ўқувчилари ўртасида "Ҳамжихатликда



ОИВ инфекциясига барҳам берамиз" шиори билан деворий газеталар ҳамда иншоалар танлови, "Очиқ эшиклар куни", давра суҳбатлари, акциялар ўтказилди.

Шунингдек, 1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши курашиш куни муносабати билан Вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази вилоятимиз ешларига муносабат қилди.

ҚОНУНГА ҲУРМАТ ҲИССИ ОИЛА МУҲИТИДА ШАКЛЛанади

"Бу ишим қонунга зид эканлигини билмабман, энди тушундим, бошқа тақдирланмайди, пушаймонман", деган гапларни суд жараёнларида кўп эшитганмиз. Айримлар билмай, кимлардир эса била туриб ҳуқуқбузарлик содир этади. Ўзига ортиқча ташвиш орттириб олгандан кейингина қонунларга ҳурмат билан қараб, тинч-осойишта яшашнинг қадрини тушуниб этади.

Фикримизни суд амалиёти мисолида давом эттирадиган бўлсак, фуқаро А. А. Паркент деҳқон бозорига жойлашган савдо дўқониди ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётгани Паркент тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган рейд давомида аниқланган. Унга тегишли умумий қиймати 7 миллион 38 минг сўм бўлган йиғирма икки турдаги товар моддий бойликларини далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Суд давомида ҳуқуқбузар айбига икром бўлиб, бундан буён тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланмаслигини билдирди. Суд амалдаги қонунчиликка кўра унга нисбатан қўзғатилган маъмурий ишни ҳаракатдан тугатиш лозим топди.

Яна бир суд ишини олайлик. Паркент туманидаги намунали фермерлардан бири негандир ер солигини ўз вақтида тўламаган. Суд давомида фермер хатосини тушунганини, бундан буён солиқларини ўз вақтида тўлашга ваъда берди. Суд унга 230 минг сўм жарима белгилади. Ортиқча ҳаражат фермерни тўғри ҳулоса чиқаришга ундаса ажабмас.

Кези келганда аччиқ бир ҳақиқатни айтиб ўтмасак бўлмайди. Қўпгина қонунларга итоат қилмаслигимиз, ҳуқуқбузар деган номга оддий кўз билан қарашимиз фақат ўзимизга зиён келтиради. Суд амалиёти таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, қонунларга ҳурматсизлик, уларни тан олмаслик, менсимаслик, итоат қилмаслик кўпроқ оила муҳитига бориб тақалади. Айниқса, савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар оила бошиқларининг тор тушуначаси, тарбиянинг бўшлиғи сабаб ортиб бораётгани ташвишли ҳолат.

Халқимиз "Қуш уясида қўрганини қилади", деб беҳиз айтмаган. Шундай экан, ҳар биримиз фарзандларимизда қонунларга ҳурмат ҳиссини уйғотишимиз, уларга тўғри тарбия беришимиз жуда муҳим.

Азиз ХОНКЕДИЕВ,
Паркент тумани
Маъмурий суди
раиси

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2019 йил 19 ноябрдаги №92-93 (13250-51)-сонидида берилган эълондаги кўчмас мулкларнинг бошланғич баҳоси "Тошкент вилояти Doi Darnon" МЧЖнинг 2019 йил 27 ноябрдаги №472/01-сонли хатига асосан қуйидагича ўқилин: 1. Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, 1-микрорайон манзиллида 0,2282 Га ер майдонида жойлашган, 321,16 кв.м.дан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган бино ва иншоот, 12-сонли дорихонанинг бир қисми – 1 003 169 150 сўм. 2. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Алишер Навоий шўхқаси, 104-ўй манзиллида 150,70 кв.м. ер майдонида жойлашган, ишлаб чиқариш майдони 110,71 кв.м.дан иборат 9-сонли дорихонанинг бир қисми – 355 939 950 сўм. Эълоннинг қолган бандлари ўз кучида қолади.

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ томонидан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 16.11.2019 йилдаги №91 (13248)-сонидида чоп этилган эълондаги қуйидаги кўчмас мулклар, яъни Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги, "У. Юсупов", "Саксон ота", "Жамбул", "А. Яссавий", "Ўзбекистон", "Олга" ФЕТШлари ҳамда "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 19.11.2019 йилдаги №92-93 (13250-51)-сонидида чоп этилган эълондаги Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги "Ийк ота" ФЕТШнинг аукцион савдолари "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖнинг 27.11.2019 йилдаги №07-6/1345-сонли хатига асосан вақтинчалик тўхтатилди.

"JAMOLIDDIN MILK EMPEKS" масъулияти чекланган жамиятига қарашли Нурафшон шахри (Ўрта Чирчиқ тумани) "Янги ҳаёт" қўргони Тошкент йўли кўчасидаги рақамсиз уйда жойлашган дўкон биносининг 11-12-16-01-01-0125 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Реклама ва эълонлар

Сўнгра "Ёшлар тарбиясининг шаклланишида маънавий-маърифий тарғибнинг роли" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Мухаммадхон Куронов, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, "Ёш китобхон" танлови ғолиби Отабек Эшпўлатов ва унинг ота-ониси сўзга чиқиди. Отабек ўзининг танлов таассуротлари ва

сида маъруза қилишди. Бу борада ёшларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Шундан сўнг, фестиваль Оҳангарон шахрида давом этди. 6-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабидида "Биз миллий манфаатлар ҳимоячиси" мавзусида маърифий тадбир ўтказилди.

Унда таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий соҳа ривожига самарали ҳисса қўшиб келаёт-

бирга ўзгача файз улашди.

— Оҳангаронликлар бизни юқори кайфиятда кутиб олишди, — дейди Низоми номидаги ТДПУ "Миллий ғоя ва маънавият асослари" кафедраси доценти Мархабо Собирова. — Тадбирга тайёргарлик аъло даражада. Фикримизча, бундай тадбирлар тўхтаб қолмасли-



давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, Қибрай туманида фестивалнинг энг муҳим лойиҳаларида бири "Фаол фуқаро" дебат клубининг семинар-тренинги бўлиб ўтди.

Чирчик Олий танк муҳандислик-қўмондонлик билим юртида "Маънавий етук ҳарбийлар — Ватанимиз қалқони" ва "Маданий мерослар — буюк тарихимиз негизи" мавзусида ёшлар билан ўтказилган мулоқот концерт дастурига улашиб кетди.

Фестивалнинг йирик тадбирларидан бири "Маърифат тур" лойиҳасида Паркент туманининг қадимий Заркент ота мажмуасига саёҳат уюштирилиб, зиёратгоҳнинг тарихий ва диний аҳамияти бора-сида тушунчалар берилди. Шунингдек, тумандаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази биносида "Ёш келин-куёвлар билан дав-ра суҳбати" бўлиб ўтди.

Мухтасар айтганда, баркамол авлодни юксак маънавиятга эриб тарбиялаш, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас аънаналаримизнинг ҳозирги ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга қаратилган икки кунлик "Маънавият фестивали" барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

Маънавият фестивали:

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ТАРАННУМИ

ҳаяжонлари билан ўртоқлашганида залдаги ёшлар унга ҳавас қилиш-шайтгани юзларидан шундоққина сезилиб турарди.

Куннинг иккинчи ярмида Юқори Чирчиқ тумани маданият марказида "Аждодларга муносиб авлод бўлалик" мавзусида "Маърифат дарслари", Тошкент давлат техника университетининг Олмалик филиалида эса "Маънавиятимизни шакллантиришда миллий урф-одат, аъна ва қадриятларимизнинг тугган ўрни" мавзусида дав-ра суҳбати ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар маънавий-маърифий соҳада яратилаётган имкониятлар, урф-одат ва қадриятларнинг жамият тараққиётидаги ўрни тўғри-



ган мутахассислар муносиб тақдир-ланишди. Шаҳар маданият бўлими иштирокчилари томонидан тайр-ланган қизиқарли чиқишлар тад-

ги аксинча янада қанот ёзиши ке-рак. Шунда кўзлаган мақсадимиз-га эришамиз.

Зангиота тумани маданият са-

ройида "Оммавий маданият — миллий маданият қушандаси" мавзусида дав-ра суҳбатида ёшлар-ни ёт ғоялардан асраш, Янгийул шаҳар ихтисослашган маданият ва санъат мактабидида "Бувижоним кийган либос" мавзусида тадбир-да эса миллий матоларимиздан тайёрланган либосларнинг бугун-ги кундаги аҳамияти, ёшларнинг кийиниш маданиятига бўлган му-носабати ҳақида фикр-мулоҳаза-лар билдирилди.

Шундан сўнг "Меҳрли ёшлар қарвони" китоб улашиш акцияси доирасида Янгийул шаҳридаги ҳам таъминланган оилаларга ки-тоблар тарқатилди.

"Маънавият фестивали"нинг ик-кинчи кунини "Жамият тараққиётининг асоси маърифатдир" мавзусида

ларнинг ўзгалар учун ачина-ри, ўзлари учун эса на яхши, на ёмон бўлган ҳаёт тарзи ҳақидаги асар каби кўринди. Уларда ҳеч қандай олий тушун-ча ва қадриятлар йўқ, ҳаётнинг чиқиб, ўзбек китобхонлари жаҳон адабиётининг яна бир гўзал дурдонаси билан тани-лиш имконига эга бўлишди.

Мураками асарлари ўзининг тамоман ўзгача тили билан ҳам фарқлиниб туради. Адабиёт-нинг кундалик вазифаси янги-дан-янгидан воситалар ва ҳақиқат-ларни инкишоф этиш бўлса, Мураками тақомиллашган тил — мукаммал матн орқалигина ада-биётнинг бутун бошли вазифа-сини бирдан бажариш мумкин, деб ҳисоблайди. Аммо, асар бошида муаллифнинг ўзи айт-ганидек, "мукаммал матн йўқ нарсас". Демакки, адабиётнинг охири, тугал кўриниши ҳам ҳеч қачон мавжуд бўлолмайди.

"Мукаммал матн йўқ", дея сўз бошлаган адиб мана шу "йўқ нарсас" томон интилгани асар-нинг тилидан маълум бўлиб қолади. Мукаммаллик йўқ, аммо унга интилиш бор. Мураками ижоди эса адабиётнинг тугал кўринишига етиша олмаслиги-ни аниқлаган ҳолда ҳам, унга интилиш мумкинлигини очик-лаб беради.

Асар бор-йўғи бир нечта қаҳрамонларнинг турмуш-тар-зи, ўй-кечинмалари ва диалог-ларидан иборат. Аммо, мана шу бир-икки қаҳрамоннинг ўйлари-ю ҳисларининг ўзига-на ўқувчини таажжубга солиб қўяди. Асарда воқеалар шун-дай тасвирланадики, бир ни-гоҳда бир маъно тушунган инсон, ўзга нигоҳда янги маъ-но ҳақиқати. Мисол учун, ўз кўзим билан қараб, ўз қаричим билан ўлчаганида, менга қад-риятларини йўқотган инсон-

Файласуфлар орасида аб-сурд ҳақида тафаккур қилиш урфга кирган. Абсурддан қут-ғилиб чиқиш учун ҳам тафаккур-га шўнғишади, бироқ асар қаҳрамонлари чуқур ўйлаб кўришга ҳам ҳафсала қилиш-майди. Тафаккурдан ҳам нажот кутмай қўйган инсонлар ўқувчи руҳиятига катта зарба бўлади. Гўёки қаҳрамонлар ҳаётга тамо-

давомида сизни тарқ этмайди, аксинча, ўқийверганингиз са-йин янги-дан-янгидан босқичга кўтарилган боради.

"Нега бу одамлар совуққон?" "Қандай қилиб бу аҳволга тушибди?"

"Бу инсонларни ҳайвондан ажратиб турувчи фарқ борми ўзи? Бор бўлса нима?"

"Уларни қандай қилиб ода-тий, муаммоларга тўла бўлса-да, қизгин ва хушбахт ҳаётга қайтариш мумкин?"

Ва ниҳоят, "Ўзи нега уларни қайтариш керак? Уларнинг ҳаётини ёмон дейиш учун биз-да қандайдир асос борми?"

Саволлар мўл. Китоб эса фақат вазиятни кўрсатади, унда жавоблар йўқ. У сизни ўзининг саволлари билан ички оламин-гиз манзилига элтиб қўяди, сиз эса ўзингиз билан бўлиб булар-га жавоб топишга урина бош-лайсиз. Ва ўзингиз кутмаган ҳолда мукаммал матн томонга талпинасиз, уни излашга кири-шасиз...

Асардан иқтибос:
"Биз ҳаммамиз — бузуқ са-молётдаги ҳамроҳларимиз. Ал-батта, омадчилар бор, омад-сизлар бор. Кучлилар бор, за-ифлар бор. Бойлар бор, кам-бағаллар бор. Лекин, барибир ҳеч кимда ғайритабиий куч йўқ. Ҳамма бир хил. Бир нимаси борлар уни йўқотишдан қўрқи-шади, ҳеч нимаси йўқлар, энди ҳеч нимага эга бўлолмаслиқдан ғамга ботишади. Ҳамма тенг. Ва буни пайкашга улгурган одам сал бўлсада кучли бўлиш-га уриниши керак. Жилла қурса, шунчаки муғамбирлик қилиш лозим. Аслида, кучли одамлар ҳеч қаерда йўқ — фа-қат ўзларини шундай кўрсата-диганлар бор."

Раҳимжон ҚУДРАТОВ,
талаба

Жиноятга жазо муқаррар

Халқимизда "Бир болага етти маҳал-ла ота-она", деган нақл бор. Кўшни боланинг хатти-ҳаракатларига безътибор бўлмаслик, уни тўғри йўлга солишдан оғринмаслик керак. Аммо, гоҳида "Бир-ровнинг боласи-ку, мени нима ишим бор", дея қараб турувчиларнинг эъти-борсизлиги туфайли жиноятлар урчиб бораверади.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ЯНА ЎРТАНДИ...



Бекободлик Акмал Камолов (исм-шари-фи ўзгаририлган) ҳам маҳаллада воя-га етган. Навқирон йигитлик вақтида кўйилган биринчи қалтис қадами мана, йигирма икки йил-дирки, уни ўз исқан-жасига тортади.

Беш маротаба ўғрилиб, бир марта гиёҳвандлик моддаси билан жиноят содир этган Акмал ет-тинчи бор суднинг қора курсига ўтираркан, айбига пушаймонлигини қайта-қайта таъкидла-ди. У жорий йилнинг сентябрь ойида Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари томонидан "Қорадори — 2019" махсус тадбирини ўтказиш жараёнида гумонланиб, текширилганда сумкасида минг грамм гиёҳвандлик моддаси борлиги ҳолис-лар иштирокида аниқланди.

Ўйланиб қоласан киши, наҳотки, ҳар гал қил-мишлари қонун доирасида кечирилганида озод-лик наҳидасидан унумли фойдаланмаган йигит олти маротаба жиноятга қўл уриб ҳам тўғри хулоса чиқармаган бўлса. У илк бор 22 ёшда ўғрилиб қилгани учун суд ҳукмига қўра олти йил озодликдан маҳрум этилганди. Орада ўтган йигирма икки йил давомида ҳам эсини йиғиб олмаган, на оила қурган, на бир ишнинг боши-ни тутган. Шу йилнинг август ойида Мизробод тумани суди ажримига қўра Акмалнинг ўтталмай қолган бир йилдан зиёд жазо муддати ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган эди. Орадан бир ой ўтиб, у яна жиноят кўчасига кирганини қандай изоҳлаш мумкин...

Начора, Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судида Акмал Камоловга ҳукм қўйилди. Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-мод-даси 2-қисми "а, б" бандлари билан 3 йилу 6 ой озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлан-ди.

Минг афсус, соңига оқ оралаган Акмалнинг тенгқурлари фарзандларини уйли-жойли қилиш тараддудига тушган бир вақтда у умрининг яна уч ярим йилини жазони ижро этиш муассаса-ларида ўтади. Айтишларича, бола ҳам ниҳол каби вояга етаркан. Берилган тўғри тарбия келажака ўз меvasини бериши тайин. Шундай экан, оғоҳликни унутмайлик, маҳалламизни "Жи-ноятдан ҳоли ҳудуд"га айлантирайлик.

Ўқтам ХАЙРУЛЛАЕВ,
Бекобод шаҳар ИИБ ЖКБ
тезкор вакили, капитан

"Буюк ипак йўли" бекати-дан таксига чиқдим. Тўлиши-ни кутиб ўтирибман. Ташка-рида кимдир туркчалаб "Эл-

кўриб келмоқчиман.
— Шафёр билан қанчага ке-лишдинг?
— Эллик минг.

ланиб чиқасан.
— Мен ўйлабманки...
Тушдик. Жанжални ёқтир-майман, шунчаки шафёрга бу

Кўзгудаги ўзимиз

турк менинг меҳмоним, бош-ка жойга борадиган бўлди, дедикда, бошқа такси тўхта-

тиб кетдик.
Йўл бўйи ҳалиги туркка "Дўстим, ўзбеклар олчоқ экан, деб ўйлама. Ҳамма халқдаям бор бундай ноин-софлар", деб тушунтирдим. Агар шафёрлар уни анчадан бери шундай алдаб келаёт-ган бўлса, демак турк гапим-га ишонмагани тайин. Шу жо-йида бир озарбайжонлик сиёсатчининг гапи эсимга тушди:

"...Агар халқингга чинакам ёруғ келажак тухфа қилмоқ-чи бўлсанг, унинг қорнидан аввал кўзини тўйдир. Кўзи оч халқнинг обрўси бўлмай-ди..."

Мирзохид МУЗАФФАР

Бизни «АЛҶАК» деманглар...

лик минг етадимиз?" дегани-ни, яна кимдир ўзбекчалаб "етади", деганини эшитдим. Сезилди. Орқа ўриндиққа юз-кўзидан турклиги билиниб турган бир йигит ўтирди, тенгдошим экан. Бир оз ўтгач, гап бошладим:

— Оғам, туркмисан?
— Ҳа, туркча биласанми?
— Бунинг аҳамияти йўқ. Қаерга кетяпсан ҳозир?
— Эндокринологияга, бир ўзбек дўстим касал экан,

— Ростданми?
— Ҳа, олтимиш минг деганди, қарасам, қайтишга пулим қол-мас экан. Аллоҳ меҳ-рибон, шукрки, ар-зонга тушди.
— Ё оғам, сен бо-радиган жойга тўрт минг сўмга обориб қўяди. Алдабди сени.
— Йўғе?
— Ҳа, эллик минг билан шаҳарни ай-



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Файрат ШЕРАЛИЕВ	Манзилми: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисими: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари: Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими: Электрон почта: toshkenthqiqati@uamail.uz / / / / th-pt@inbox.ru	Телефонлар: (71) 233-64-95, (71) 233-56-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терийли ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаввиф Аллома АЗИЗОВА Навбатчи Раҳман БАЙЖАКОВ
---	--	--	---	---	---	---